

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЕТТБ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги шериклик муносабатлари изчил ривожланиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадаллашадиганини мамнуният билан қайд этди.

Охириги икки йилда ушбу нуфузли халқаро молиявий институт раҳбари мамлакатимизга учинчи бор ташриф билан келгани ўзаро алмашинувлар фаоллашганидан далолат беради.

Ўтган йил октябрь ойида банкнинг Ўзбекистон бўйича мамлакат

стратегияси қабул қилинди. ЕТТБ экспертлари кўмагида энергетика, банк ва молия соҳалари, капитал бозорини ривожлантириш ва мамлакатимизда рақобат муҳитини яхшилаш бўйича ислохотлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Кўшма лойиҳалар портфели кенгаймоқда. Заём келишувлари имзоланиб, қиймати жами 600 миллион доллардан зиёд кредит маблағларини жалб этган ҳолда, мамлакатимиз ҳудудларида энергетик ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш бўйича устувор ин-

вестиция лойиҳалари тайёрланмоқда. Хусусий сектор лойиҳаларига 100 миллион доллардан зиёд инвестиция киритилди.

Бундан ташқари, умумий қиймати 800 миллион долларга яқин бўлган ижтимоий аҳамиятга молик истиқболли дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

ЕТТБнинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси фаол ишламоқда, унинг Андижон шаҳрида ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида филиалларини очиб режалаштирилган.

Учрашувда амалий ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўна-

лишлари, жумладан, мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини ва кредитларни ўзлаштиришни тезлаштириш, иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантиришга кўрсатилаётган кўмакни кенгайтириш масалалари батафсил қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Хорижий инвесторлар кенгашини ташкил этиш ва унинг биринчи мажлисига тайёргарлик қўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. ЕТТБ раҳбари самимий қабул

учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг суръати, кўлами ва амалий натижаларини юксак баҳолади.

Сума Чакрабарти Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистон Республикаси билан кўп қиррали шерикликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва давом эттириш бора-сида қатъий эканини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевни кеча бўлиб ўтган Қозоғистон Президенти сайловида ишончли ғалабага эришгани билан самимий табриклади.

Сайлов натижалари Қозоғистон халқи Қосим-Жомарт Тоқаевни кенг қўллаб-қувватлаши ва унга улкан ишонч билдиришини, унинг мамлакат барқарор тараққиётига ва халқаро нуфузини оширишга ҳиссасини юксак баҳолашини яна бир бор намойиш этгани, амалга оширилаётган сивасат ва энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг изчил давом эттирилишига қатъий ишончнинг ифодаси бўлгани алоҳида таъкидланди.

Қозоғистон Президентининг жорий йил апрель ойидаги Ўзбекистонга илк давлат ташрифи дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерик-

лик муносабатларини мустаҳкамлашга ўзаро интилишнинг тасдиғи бўлиб, икки томонлама ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлагани қайд этилди.

Суҳбат чоғида Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликка доир, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Келгусида, жумладан, халқаро ташкилотлар тадбирлари доирасида бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш устувор аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидладилар.

Ў.А.

Кун воқеалари қисқа сатрларда

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Испания ҳукуматининг расмий кредит институти билан янги юқори тезликда ҳаракатланувчи иккита поезд, вагонлар (“эконом” тоифадаги), уларнинг бутловчи қисмлари ва юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларга сервис хизмати кўрсатиш ускуналарини сотиб олиш бўйича битим имзолади.

Фаргона шаҳрида Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари учун қурилган 30 хонадондан иборат 4 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Андижон давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида “Профилактик тиббиёт: бугун ва эртага” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди.

Тошкентда Халқаро электралоқа иттифоқининг МДХ ва қўшни давлатлар учун радиоалоқа бўйича 5 кунлик ҳудудий семинари ўз ишини бошлади.

«Халқ сўзи».

Сума ЧАКРАБАРТИ:

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувдан сўнг Сума Чакрабарти Ў.А. муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Аввало, Европа тикланиш ва тараққиёт банки мамлакатингизда кенг кўламда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдори эканини таъкидламоқчиман.

Бу бизнинг Ўзбекистон Президенти билан учинчи учрашувимиз. Суҳбат чоғида сўнгги икки йилда эришган инвестициявий ютуқларимиз ҳақида фикр алмашдик, ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли ва истиқболли йўналишларини белгилаб олдик. Жорий йил якунига қадар ЕТТБ мамлакатингизга киритадиган инвестиция ҳажмини бир миллиард еврога етказишни режалаштирган.

Эътибор берсангиз, бу борйўги икки йил ичида юзага келган рақам. Солиштирадиган бўлсак, мазкур кўрсаткич банкнинг аввалиги ўн тўрт йил ичида киритган инвестициясидан анча кўп.

Биз ислохотлар учун янги гоёлар ҳақида суҳбатлашдик. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш банкмиз фаолиятининг ҳам асосий йўналишларидан биридир. Бу борада қатор лойиҳаларни амалга ошироқчимиз.

Яъни мамлакатингизга инвестицияларни кенгрок жалб қилиш, инфратузилма, коммунал тармоқ, агросаноат, энергетика, банк-молия ва бошқа соҳаларда қатор ўзаро манфаатли ва истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг иқтисодиётини барча йўналишда ривожлантириш йўлидаги ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам изчил давом этади.

Ў.А. муҳбири
З. ЖОНИБЕКОВ
ёзиб олди.

Бош вазир қабулхонаси:

Табиркорларнинг ҳар бир мурожаати ҳукумат эътиборида

Бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш бугун соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланган. Зеро, тадбиркорлар мурожаатларини ўрганиш, улар дуч келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш давлатимизнинг доимий эътибор марказида.

Фармон ва ижро

Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан ташкил этилган Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш қабулхоналари эса бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Фармон мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш, қабулхоналар иш фаолияти билан яқиндан таништириш бўйича Республика ишчи гуруҳининг навбатдаги тадбирлари Андижон вилоятида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Бўз туманида тадбиркор ҳамда инвесторлар билан учрашувда дастлаб йиғилганларга қабулхона-

ларни ташкил этишдан қўзланган мақсад, унинг иш фаолияти, мурожаатларни қабул қилиш ва ўрганиш тартиби ҳақида атрофлича тушунча берилди. Шундан сўнг Бўз, Балиққчи, Улуғнор ва Шахрихон туманларидан ташриф буюрган тадбиркорларнинг мурожаатлари тингланди.

Уларнинг асосий қисмини тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун бино ва ер майдони ажратиш масаласи ташкил этди. Шахрихонлик Исмоилжон Абдуллаевнинг “Ismoiljon Sayprus” оилавий корхонаси трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

➡ 2

ДУНЁНИГОҲИ

«Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик маҳалла фаолияти билан бевосита боғлиқ»

Мамлакатимизда маҳалланинг жамият ҳаётида тутган ўрнини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда ва пировард натижада у жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини тўла намоён қилмоқда. Бунинг замирида эса, шубҳасиз, соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани мужассам. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Мазкур йўналишдаги янгиланишлар хорихлик сиёсати ва мутахассислар томонидан ҳам юксак эътироф этилган.

➡ 3



Ўзбекистон зиёрат туризмида юксак мақомга эришиши мумкин

«Global Muslim Travel Index» («GMTI»)нинг сўнгги рейтингига кўра, Ўзбекистон Ислон ҳамкорлик ташкилотининг энг жозибадор ўнта давлати гуруҳига киритилди.

Халқаро тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, дунё сайёҳлигида зиёрат туризми салмоғи борган сари ортиб бормоқда. 2017 йилда Ер юзида мусулмон зиёратчилар сони 131 миллионга етиб, бу соҳадаги даромад 142 миллиард долларни ташкил этган. 2020 йилда мусулмон зиёратчилар сони 160 миллионга, 2026 йилга бориб зиёрат туризми индустрияси ортидан келадиган фойда 300 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Сайёҳликнинг мазкур тури — маркетинг тадқиқотлари натижаларига кўра, аҳоли ҳаётини ўзгарирадиган даромад манбаи, иқтисодиётнинг салоҳиятли тармоғи, охир-оқибат давлатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим соҳадир. Ўзбекистондаги мавжуд имкониятлар зиёрат туризмнинг жадал ривожланишига шароит яратди.

Юртимиз ислом олами тараққиётига бешик бўлган йирик маданият ўқоқлари, бой илмий мерос қолдирган улуг алломалар мамлакатидир. Бу зиёратгоҳлар ичда, сўзиси, Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида жойлашган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси алоҳида ўрин тутди. Тўққизинчи аср диний уламо-ларининг энг пешқадами бўлмиш Имом Бухорий пайгамбаримизнинг 600 мингдан зиёд ҳадисларини тўплаган, буларнинг ичда энг ишончли етти мингтаси «Ал-Жомеъ ас-Саҳих», яъни ишонарли тўплам сифатида тан олинган. У Аллоҳ қаломи — Қуръони каримдан сўнг иккинчи ўриндаги шариат китобидир. 1998 йилда буюк муҳаддис олим қадимжоси бутунлай бошқатдан барпо этилиб, ҳар йили дунёдан миллионлаб зиёратчилар ташриф буюриши учун етарли имкониятлар пайдо бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, юртимиздаги зиёратгоҳлар сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилиши, ислом динининг инсонпарварлик, эгулик моҳиятини янада чуқур ҳис эттирадиган даражага етказилиши керак. Давлатимиз раҳбари бундан икки

йил аввал Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессиясида ушбу масалага жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб, унинг нақадар долзарб эканини ўқтирган эди.

Шундан сўнг кўп ўтмай ташаббус Ўзбекистонда ўз амалий натижаларини кўрсатди, жорий йил бошида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси базасида халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда ҳадис илми мактаби иш бошлади. Марказ ва ҳадис илми мактаби томонидан буюк ҳадисшунос олимнинг ҳаёти ҳамда илмий фаолияти билан боғлиқ улкан изланишлар олиб бориляпти.

— Мутахассис олимларимиз томонидан ислом динининг асл моҳиятини, инсонпарварлик салоҳиятини ақл эттирув-

хоналари — буларга ҳавас қилиш мумкин ҳолос.

Самарқанд вилояти туризми ривожлантириш департаменти хабарига кўра, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси вилоятдаги энг кўп меҳмон қабул қиладиган маскан бўлиб қолмоқда.

Индонезия, Малайзия, БАА, Туркия ва бошқа мусулмон давлатлардан ташриф буюраётган сайёҳлар салмоғи кўпчиликини ташкил этади. Шунинг учун ҳудудда, хусусан, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасида комплекс инфратузилмани яратиш лозим.

— Янги инфратузилма ва ландшафт муҳити, шу билан бирга, зиёратгоҳнинг меъморий жозибасини ҳам ошириб боришимиз керак, — дейди Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси раиси Деҳқонбой Эрматов. — Объектнинг олд қисми икки қаватли бўлиб, бу ерда зиёратчилар учун қўшимча кириш эшиклари ўрнатилади. Кираверишдаги гўмбаз 17—30 метрдан иборат бўлади. Шундай қилиб ёдгорлик мажмуаси қайта реконструкция қилинганда ички ҳовлида тагин бир масжид, мажлислар зали, қўшимча бошқа шароитлар вужудга келади.

Янги объектлар мустақил иссиқ сув ва тозалаш тизимига эга бўлади.

Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарда зиёратчи-сайёҳлар учун етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Хоналарда Маккаи муқаррамага элтувчи йўл ҳаритаси қўйилган, шариат арконларини бажариш имкониятлари бор, ошхоналарда ҳалол лўқма тайёрлаш таъмоилига амал қилинмоқда.

Бугун муҳаддас қадимжоларимиздан зиёратчилар қадами узилмаяпти. Миллионлаб мўмин-мусулмонларнинг ақдодларимиз қолдирган бой маънавий-маърифий ҳамда маданий меросдан баҳраманд бўлишлари учун давлатимиз улкан ишларни амалга оширмоқда.

Ринат АБДУЛЬМАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ банки яна бир халқаро сертификатга эга бўлди

Акциядорлик тижорат Халқ банки ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими аудит текширувидан муваффақиятли ўтиб, халқаро стандартлар бўйича мувофиқлик сертификатини қўлга киритди.



Эътироф

Таъкидлаш жоизки, ISO 9001:2015 сифат менежменти тизимининг асосий мақсади истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Яъни мазкур халқаро стандартнинг жорий қилиниши банкда иш жараёнларини амалга ошириш меъzonлари ҳамда миқозларнинг банкка бўлган муносабатини таҳлил қилиб боришга замин яратди. Хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва қўламини кенгайтиришда

муҳим аҳамият касб этади.

Халқ банки республикадаги йирик ҳамда кўп йиллик таърибига эга молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Банк кундалик муаммолардан тортиб, энг муҳим масалаларга оддий ва қулай ечимларни тақдим этган ҳолда, жисмоний ҳамда юридик шахсларга яқиндан қўмақлашмоқда. Яъни молия муассасаси ўз



фаолиятида тўлиғича миқозларнинг талаб ва истакларини қондиришга интиломоқда. Бу ҳам банк ривожининг асосий йўналишларидан бири сифатида қайд этилган.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ сизга қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида рўлдан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади. Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 40 000 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 44 000 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 42 000 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 68 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3003, 3005, 8017, 9003 0,45 мм. — 52 200 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тел.: (+998) 99 535-00-65, (+998) 95 197-00-93, (+998) 99 871-88-99

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Маънавиятни қандай ўрганишимиз?

Абдурахим Эркаевнинг икки китобдан иборат «Маънавиятшунослик» номли йирик монографияси «Маънавият» нашриёти томонидан чоп этилган.

Тадқиқот

Мазкур китоб маънавиятни илмий асосда ўрганишга асосланади.

Олий таълимда миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши очилиб, мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълими учун мутахассислар тайёрланмоқда. Бироқ олий таълим тизимида маънавиятга оид предметларнинг ўқув дастурлари ҳалигача мукаммалликдан анча йироқ, такомиллаштиришни, илмий ва методологик камчиликларни тузатишни талаб этади. Абдурахим Эркаев монографиясининг иккинчи томида уларнинг таҳлилий танқиди берилганки, бу мазкур фандан бакалавр ва магистрлар тайёрлашни яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Муаллиф китобда маънавият инсоннинг моҳиятли белгиси, унинг эркинлик меъёри эканини исботлаш жараёнида инсоннинг табиат ҳақидаги қарашларини ҳар томонлама таҳлил қилади.

Маънавият ва замонавий «оммавий маданият» муносабатлари бағишланган бобда ҳам масалага теран ёндашув кутулади. Муаллиф шу пайтгача республикамизда ва чет элларда ўрганилмаган

юксак ва «оммавий маданият»лар интерференцияси тадқиқотини бошлаб берган. Шу ва кейинги қисмлардаги ҳар жиҳатдан илмий ҳулосалар асарининг илмий-методологик қимматини янада оширади.

Асарнинг иккинчи китобида маънавиятнинг илмий, амалий методологияси ҳамда маънавий тарбия назарияси ёритилган. Унда маънавиятнинг ўрганишда йўл қўйилаётган ҳатолар, камчиликлар аниқ мантиқий далиллар орқали очиб берилди. Уларни бартараф этиш йўллари айтилади.

Баъзи бир жузъий камчиликларига, баҳсли фикрларига қарамаздан, дадил айтиш мумкинки, монография улкан илмий воқеага айланди. У маънавиятни тадқиқ этишни бир поғона юқорига кўтарди. Бу борадаги қўлаб муаммоларга илмий жамоатчилигимиз ва маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи амалиётчиларимиз диққатини қаратди. Уларнинг илмий ва тарғибот-ташвиқот, тарбиявий фаолиятида ишончли манбага айланди.

Ж. ЯХШИЛҚОВ,
Самарқанд давлат университети
Фалсафа кафедраси муdiri,
профессор.

Беш ташаббус — амалда

Рақамли технологиялар маркази

Ушбу марказ ёшларни дастурлаш, веб-дизайн, киберспорт каби йўналишлар бўйича ўқитишга ихтисослаштирилган. Ундаги машғулот хоналари замон талаблари асосида жиҳозланган.

— Андижонда беш муҳим ташаббуснинг учинчи йўналиши — аҳоли ва ёшларни компьютер технологиялари ҳамда интернет имкониятларидан самарали фойдаланишга ўргатиш бўйича ибратли ишлар йўлга қўйилляпти, — дейди ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шухрат Содиков. — Вилоят ҳокимлиги бундай марказларни туманларда ҳам ташкил қилиш билан бир қаторда, технопарк барпо этиш юзасидан вазирликка тақлиф билан чиққан. Қолаверса, 50 нафар ёшни Беларусь ва Ҳиндистонда ўқитиш, киберспорт бўйича виллоят ҳокими кубогини ўтказиш ташаббусини билдирган.

Марказда аини пайтда веб-дастурлаш, веб-дизайн ва веб-графика усталарини тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Тақлиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Узғариш» КФЙ, Белаарик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).

Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Bobcat

«TOW Co., Ltd»
қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади.

www.uztow.com

Маҳсулотлар сертификатланган.

«Universal Services of Central Asia»
хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда «Маънавият» нашриёти жамоаси нашриёт директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Суннатиалла АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН ҚЎЎМОНЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.

Газетанинг муҳрибери берилиши учун обуювани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Бўтаев.
Навбатчи — М. Каримова.
Мусахҳих — М. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6